

**“Пойтахт банк” акциядорлик жамияти**  
**Кузатув кенгаши мажлисининг**  
**“10”-сонли баённомаси**

“25” август 2020 йил

Тошкент шаҳри

**Кузатув кенгаши раиси:** **Л.Исматуллаев**

**Кузатув кенгаши аъзолари:** **У.Мустафоев, Ў.Бўтаев, М.Саломов**  
**Р.Холматов**

**Таклиф этилди:** **М.Тахиров** - “Пойтахт банк” АЖ  
Бошқарув раиси

Йиғилишда 5 кишидан иборат банк Кузатув кенгаши аъзоларидан 4 киши қатнашди. Ў.Бўтаев Қашқадарё вилоятида бўлганлиги сабабли йиғилишда қатнаша олмади. Йиғилиш қворумга эга.

**МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:**

**1. “Пойтахт банк” акциядорлик жамиятининг бошқарув аъзолигига номзодларни тасдиқлаш тўғрисида**

---

(Л.Н.Исматуллаев, М.Х.Тахиров, Л.Н.Исматуллаев)

**Кун тартибидаги масала бўйича:** Л.Н.Исматуллаев сўзга чиқиб, янги тахрирдаги “Пойтахт банк” акциядорлик жамиятининг Устави билан йиғилганларни таништирди. Шунингдек, банк Уставининг **13.2-банди** талабларига асосан “Пойтахт банк” АЖ бошқарувининг бошқарув аъзолигига кўрсатилаётган номзодлар Марказий банк билан келишиши белгиланганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йил 21 августдаги 27-15/424-сонли хатида Марказий Банк бошқарув аъзолигига номзод этиб кўрсатилаётган **Тахиров Мажид Хамидович, Анарметов Бекзод Яшинович ҳамда Курязов Ёрқин Исаевич** номзодларини лавозимларига киришишлари бўйича эътироз мавжуд эмаслиги белгиланган.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан, “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талаблари”дан (АВ р/р №2989, 2018 йил 30

март) келиб чиқиб, **Джураев Абдужамол Ходжиакбарович**нинг банк тизимидаги иш тажрибаси етарли эмаслиги сабабли, Бошқарув аъзолиги лавозимига киришишини **мақсадга мувофиқ эмас** деб топилган.

Кузатув кенгаши раиси томонидан кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикрлар овозга қўйилди.

#### **Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар:** 80%

Л.Н.Исматуллаев, У.М.Мустафоев,  
М.Р.Саломов, Р.Э.Холматов

**Қаршилар:** йўқ – 0%

**Бетарафлар:** йўқ – 0%

Кун тартибига қўйилган биринчи масала юзасидан овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, банк Кузатув кенгаши,

#### **қарор қилади:**

1. “Пойтахт банк” акциядорлик жамиятининг бошқарув аъзолигига **Тахиров Мажид Хамидович, Анарметов Бекзод Яшинович** ҳамда **Курызов Ёрқин Исаевич** номзодлари тасдиқлансин.

2. “Пойтахт банк” акциядорлик жамиятининг Юридик хизмат бошқармаси бошлиғи **Джураев Абдужамол Ходжиакбарович** бошқарув аъзоси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу қарор ижросини таъминлаш банк Бошқаруви раиси М.Х.Тахиров зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси:**



**Л.Исматуллаев**

**Котиб:**



**А.Мухаммаджонов**